

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ
КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САНЪАТИ
ФАКУЛЬТЕТИ
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА МИЛЛИЙ
СЕРИАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

“5220100 – Журналистика”
4 курс “Санъатшунослик - журналистикаси” бўлими талабаси

Мираҳмедов Гуломжоннинг
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Курс раҳбари:

с.ф.д., профессор

_____ М.А.Ҳамидова

“ ” _____ 2015 йил

йил

Илмий раҳбар:

доцент

_____ Эркин Аъзам

“ ” _____ 2015

Тошкент – 2015

Мундарижа:

КИРИШ	3
I БОБ. Сериалларнинг пайдо бўлиши ва ўзига хос тамойиллари	9
II БОБ. Замонавий ўзбек сериалларида мавзу хилма-хиллиги	29
III БОБ. Ўзбек сериалларида характер яратиш муаммолари	42
ХУЛОСА	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	55

КИРИШ

Замонавий телеамалётда аудиторияга манзур бўлиш ва уни сақлаб қолишда сериалларнинг аҳамияти катта. Шу жиҳатдан телеканаллар дастури билан танишиб чиқилса, кунига хориж ва миллий сериаллар берилаётгани кўринади.

Миллий маҳсулотлар «қайта қуриш» махсули сифатида 1990 ва 2005 йилларда экранни эгаллаб олган Лотин Америкаси ва Мексиканинг энгил, очик сахналарга бой сериалларини сиқиб чиқарди. Хорижий ижод намуналарини танлаш тажрибаси шакилланди. Бунда менталитетни ҳисобга олиш жиҳатидан кўпроқ Жанубий Корея асарларини бериш одат тусига кирди. Ўзбек томошабини ҳам бу сериалларни илиқ кутиб олди. Хатто корйес фильмларидан таъсирланган болалар ”Жангбого”, ”Жумонг” бўлиб, уларга таклид қила бошладилар. Тўғри Мексика сериалларига қараганда корйес асарларини оила даврасида кўраётганда, ҳижолатпазлик бўлмайди, уларда энгил-елпи, инсон онгига салбий таъсир ўтказиб, миллий маънавиятдан узоқлаштирадиган сахналар йўқ дейиш мумкин. Аммо, сурункасига ўзга қаҳрамонлар билан янги авлод тарбияланмаса керак? Балки, уни тарихий илдиздан узоқлаштириш хавфи кучайиб боради. Халқнинг олтмиш фоиз аҳолисини ёшлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган томошабинга манзур бўладиган телесериаллар қўйилса мақсадга мувофиқдир.

Мавзунинг долзарблиги. Кино санъатининг инсон онги ва таффақури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-

тадбирлар туфайли, янги миллий сериаллар суратга олинмоқда. Улар орқали тарих ва бугунги ҳаёт билан боғлиқ маиший, ижтимоий тарихий мавзулар ёритилмоқда. Лекин шуни ҳам ҳолисона айтиш жоизки, яратилаётган сериалларда ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир ўтказадиган замонавий қаҳрамон образи ҳали яратилгани йўқ. Шунинг учун кейинги йилларда миллий кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш долзарб масалага айланди.

Халқ маънавиятини янада такомиллаштириш, аҳолининг таълим ва маданий даражасини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқоролар онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсадида, махсус “Миллий сериал ижодий ишлаб чиқариш дастури” қабул қилинди, бошқача айтганда сериал саноати юзага келишига замин ҳозирланди.

Эндиликда миллий асар яратаётган ҳар бир ижодкордан, бугунги кунни асл манзарасини, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис этган ҳолда оддий одамлар ҳаётини замон қаҳрамони кифосида тасвирлаш талаб етилади. Ахир ҳар қандай шахс қайси касбда фаолият юритишидан қатъий назар замон қаҳрамони бўла олади.

Даврнинг шиддаткорлиги нишонга олиниб, ҳозирги томошабинга “давомий фильм” бўлмиш сериал ҳам самарали таъсир ўтказиши ҳамда, тобора тил орқали хорижий маданият, маиший ҳаёт кенг ўрганилаётгани ҳисобга олинса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш зарур экани масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзу долзарблигини тасдиқловчи муҳим мезонлардан яна бири миллий драматургия билан боғлиқ. Сўнги пайтларда бир қанча мутахассислар, санъатшунос олимлар замонавий драматургия ҳақида

жиддий мулоҳаза юритиб, аксар ишланаётган кўп қисмли фильмларда даврнинг долзарб мавзулари ҳақида таъкидлаб келмоқдалар.

Умуман, сериалга эфир сеткасини тўлдириш воситаси сифатида қараш билан чекланмасдан, балки, бадий телевидениянинг тўлақонли тури тарзида ёндашилса изланиш ўз натижасини беради. Жаҳон амалиётининг сара ишлари ўзбек серилларига таққосланса, маҳорат муаммоси кун тартибига қўйилиши мумкин. Баъзан режиссиёрлар яхши драматург йўқлигидан нолишса, драматурглар ҳам дуруст режиссёр йўқлигини такидлашади. Иккиси топилганда эса, қаҳрамонни образ даражасига кўтара оладиган актёр масаласи ўртага ташланади. Аслида, занжирнинг қайси халқаси бўш бўлса, шундан айб қидириш тўғрими? Яхлитликни юзага келтира олмаган бошқа халқалар ҳам жавобгар эмасми? Мустақиликка эришгач юрт ривожланиб, инсонларнинг ҳаётга бўлган қарашлари ҳам ўзгариб бормоқда. Бугун миллий маънавиятни ривожлантириш устувор масала этиб тайинланди.

Юртбошининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида такидланганидек, “Энг буюк жасорат бу – маънавий жасоратдир”¹. Ислом Каримов бу асарда миллий маънавиятни халқ онгига чуқур сингдиришда кино санъатининг ўрни ниҳоятда катта эканлигини эътироф этади. Шу боис кино санъатига катта аҳамият қаратиш, бадий ва миллий сериалларда замон қаҳрамонини яратиш масаласи даврнинг долзарб муоммоси ва мақсади бўлмоғи зарурлиги алоҳида такидланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Миллий сериалларни бир қатор режиссёрлар Баҳодир Аҳмедов, Маҳкам Муҳаммедов, Муҳсим Алиев, Ҳанжара Абулқосимовалар ўзларининг чоп этилган

¹Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б. 160

китобларида ўрганишган. Бундан ташқари бир қанча эркин тадқиқотчи ва журналистлар қатор газеталарда мақолалар чиқаришган.

Маскур битирув малакавий иши юқоридаги тадқиқот ва изланишлардан қуйидаги жихатлари билан фарқланади:

- Дастлаб сериалларнинг тарихи кўриб чиқилади ва тажрибалар баён этилади;

- Ҳозирда яратилаётган телесериаллар қандай мавзуларда тасвирга олинаётгани тадқиқ этилади;

- Характер яратиш муаммолари ҳақида сўз юритилади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Ўзбек миллий сериалларининг бугунги кундаги ўрни қай даражада ва унда қандай мавзулар кўрсатилаётганини таҳлил этиш асосий мақсад ҳисобланади.

Маскур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланади:

- Яратилган ва яратилаётган кўп фильмларнинг бадиий савияси ҳақида фикр юритиш;

- Сўнги йилларда яратилган асарларни таҳлил этиш;

- Актиёрларнинг ижро маҳоратига тўхталиш;

- Таҳлил натижаларига кўра хулосаларни умумлаштириш ва миллий сериалларни тарбиявий аҳамиятини эътироф этиш.

Битирув малакавий ишини объекти ва предмети. Ишнинг объектини сериалларни келиб чиқиш тарихи, шу йўналишда ижод қилаётган режиссёрлар ижоди, соҳанинг бугунги ва эртанги тараққиёти ташкил этади.

Предмет сифатида эса ўзбек режиссёрлари таомонидан сўнги йилларда суратга олинган миллий сериаллар ўрганилади.

Битирув малакавий ишини тайёрлаш услублари. Мавзуга илмий-назарий жиҳатдан ёндашишда ҳолис ва объектив хулосаларга келиш учун умумлаштириш, солиштириш усулларида фойдаланилди. Телеэкранларда қўйилган миллий сериалларнинг ютуқлари билан биргаликда мавжуд камчиликлари ҳам таҳлил қилинди.

Ишнинг методологик ва назарий базаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кино санъатига оид фармонлари, нутқлари ҳукумат ҳужжатлари, шунингдек кино санъати, драматургия, режиссура актёрликка доир сахнавий адабиётлар мазкур тадқиқот учун асос вазифасини ўтади. Шунингдек мавзу юзасидан Республика матбуотида эълон қилинган мақолалар малакавий битирув ишини тайёрлашда муҳим манба вазифасини бажарди.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти. Мазкур малакавий битирув иши сериал яратиш жараёни ва унинг шаклланиш босқичларини ўргангани, охириги ўн йилликда яратилган сериалларни имкон қадар таҳлил етгани билан эътиборга лойиқ.

Келажакда илмий иш, миллий сериалчилик билан шуғулланадиган талабалар учун оз бўлсада кўмак беради.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур иш уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида миллий сериал яратиш жараёнлари, унинг асосий хусусиятлари, телеэкранларда тутган ўрни ҳақида сўз боради.

Биринчи боб “Сериалларнинг пайдо бўлиши ва ўзига хос тамоиллари” деб номланиб, сериалларни тарихи, шаклланиш босқичлари ўрганилади.

Ишнинг “Замонавий ўзбек сериалларида мавзу хилма-хиллиги” деб номланган иккинчи бобида эса сўнгги йилларда яратилган

сериаллардаги мавзулар замонга қиёслаб таққосланади ва ютуқ камчиликлари баён етилди.

Учинчи боб “Характер яратиш муаммолари ” деб номланган. Унда асарларда яратилган характерлар шарҳланади.

Хулоса қисмида эса кино санъатининг ривожланиш истиқболлари, давр муаммоларини суратга олиш зарурияти, ҳамда, соҳанинг тугун ва ечимлари ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилади.

Ї БОБ

СЕРИАЛЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛЛАРИ

“Ҳозирги пайтда электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз ҳаётимизни умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий - эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди. Шу сабабли ўтқир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий”².

Ислон КАРИМОВ

Дунёдаги барча телевиденияларнинг бошидан ўтиб, бугунги кунда ўзига алоҳида йўл топиб олган кўп қисмли фильмлар ҳам дастлабки пайтларда қисқа метражли кинодан яралганини ва бу йўналиш бора – бора барча телевидение сутудиялари тажрибасида, энг аҳамиятли оқимга тушиб қолганлигини эслаш ўринлидир.

Тарихий манбаларда келтирилишича энг узун сериал “Йўл кўрсатувчи чироқлар” дея номланиб, дунё жамиятида энг биринчи ва

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.134.

энг узоқ давом этган асар ҳисобланади. Ушбу сериаллар нақд 72 йил давом этган. Дастлаб 1937 йилнинг 21 январ куни радиода эфирга узатила бошланган. 1952 йидан бошлаб ИВС телаканалида давом эттирилган сериал ўтган йили ўз ниҳоясига етган. Ҳар бир қисмида оилавий икир – чикирлар, турмуш ташвишлари тасвирланган. 15 762 қисмли ушбу сериал “Дунёнинг энг узун сериали” унвонини кўлга киритган.

Америка Қўшма Штатларида суратга олинган “Санта Барбара” телеасари ҳам узоқ давом этган, у 1984 йилнинг 30 июлида бошланган бўлиб, 1993 йилнинг 15 январ куни тугаган. Жами 2137 қисмдан иборат. Бу маълумотлардан кўринадики, илк кўп қисмли филмлар Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган.

Сериал – (телесериал, давомли дастурлар) турли хил телевизион ва радио дастурларидан иборат бўлган, ҳамда, давомли эпизотлардан тузилган бўлади. Ҳар қандай сериалнинг мақсади, дастлаб, экран қаршисига иложи борича кўпроқ томошабинларни жалб этиш бўлган.

Телевидение дунё юзини кўрганда “20th Century Pictures” кинокомпаниясининг асосчиларидан бири Деррил Занук “Телевизор савдоси энг узоғи билан олти ойдан сўнг касодга учрайди. Инсонлар ҳар куни оддий бир қутичага қараб тоқат қилиша олмайдилар,” – дея башорат қилган экан. Бу башоратдан кўрқан мутахассислар телесериалларни ишлаб чиқаришган.

“Кўп сериали телевизион фильм, янги бадиий йўналиш сифатида шаклланиб келаётган шароитда бу жанрнинг эстетик қирралари ва тажрибалари мунтазам равишда ўзгаришларга учраб туради. Ифодалаб бериш хусусиятлари янги – янги синовлардан ўтади. Бундай шароитда

эса, ифода имкониятлари, характери – санъат тили унинг тасвирий воситаларининг рамзи, синоними сифатида намоён болади”³.

Телевидение тарихида ҳар бир янги кун, телевизор кўп қисмли фильмдаги жиддий ижодий имкониятларни кашф қилиб бораётгани, бу тизмнинг ўзига хос тили ифода услублари ҳам вақт ўтгани сайин бойиб, такомиллашиб бораётгани мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

“Кўп сериали фильм дунё эфирда шунчалик кенг майдонга эга бўлди-ю, кундалик теледастурларда шунчалик кўп ўрин эгаллади. Эндиликда бу асарлар замонавий инсоннинг вақтини шунчалик кўп ўғирлайдиган бўлди. Энди сериаллар масаласини маданий ҳаётимиздаги энг аҳамиятли воқеа сифатида алоҳида ўрганишга тўғри келади”⁴, - деб ёзади кинотанқидчи Зоркая.

Баҳонаи сабаб, шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, охирги олинган маълумотларга қараганда, Хориж сериалларининг шу қадар машҳурлиги, туғилиш сонини кескин камайтириб, ҳамда, ажралишлар сонининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек охирги эллик йилда туғилиш 6,25 фоиздан 1,81 фоизга тушиб кетган. Бундай вазиятдан сўнг, олимлар шундай хулосага келишибдики, телевидение баъзи бир маданий чегараларни бузиб ўтади, сериаллар аёлларни камроқ фарзанд кўришга ундамоқда.

Бу вазиятлар албатта ғарб мамлакатларида кузатилаётган ҳолатлардир.

Сериявий фильмларнинг тамойиллари нималардан иборат? Ҳодисанинг вужудга келишида қандай вазифалар алоҳида рол ўйнади?

³ Варганов А. Многосерийный телефильм. – М.: Искусство, 1979. – С.94.

⁴ Зоркая Н. Многосерийный телефильм. – М.: Искусство, 1979. - С.21.

Кўп қисмли картиналарнинг тузилишида куйдаги тамойиллар алоҳида аҳамият касб этади:

- Вақтнинг чегараланмаганлиги. Тасвирлаб беришнинг узоқ вақт давом этиши;

- Воқеаларни хоҳлаганча қисқартириб, хоҳлаганча узайтириб давом эттириш мумкинлиги;

- Асарни қисмларга бўлиб кўрсатилиши;

- Фильмда иштирок этадиган қаҳрамонлар сонинг кўплиги.

Бу омиллар қаторига кўп сериали киносанъатининг бош белгиларидан ҳисобланган “ишонтара олиш самараси” ёки “лахзада ишонтара олиш” хусусиятини ҳам кўшиб ўтиш мумкин.

Кўп қисмли асарнинг узоқ вақт давом этиши, иштирокчилар сонининг кўплиги телекинонинг энг ижобий томонларидан биридир.

“Киноқаҳрамонларининг сиз билан бирга, сизнинг уйингизда яшагандай туйилишини шундай тасаввур қилиш мумкин, ҳар куни, ҳар ҳафтада, белгиланган соатда келаман деб ваъда бериб, алдамайдиган садоқатли дўстни тасаввур қилинг. Бундай дўстни сизга фақат телевидение топиб бериши мумкин, янги дўст, садоқатли ва мунтазам келиб турадиган меҳмонлар бу – телевидениедан берилаётган кўп сериали фильм қаҳрамонларидир”⁵.

Телефильмларнинг бадиий кино томон силжиши жаҳонда телевидение соҳасида олға ташланган кадам бўлди. Энг машҳур кино ва театр арбоблари фаол равишда телевизион ижодга ўтиб ишлай бошладилар. Қизиғи шундаки, кинорежиссёрларнинг кўпчилиги сериаллар қандай қилиб тасвирга олиниши ҳақида тушунчага эга эмас эдилар. Аста секин турли туман тавсиялар пайдо бўла бошлади. “Телевизион экран учун кино ишланганда катта шартлилик ва

⁵ Михалкович В. Кино. – М.: Наука, 1986. - С.37.

ҳақиқатпарастлик билан тасвирга олинishi керак, кейинчалик шулар бош белгилар бўлиб қолади ва кичрайтирилганлик хиссиётини билинтирмайди”⁶, дея такидлайди Д.Понтекорва.

Телеэкран учун бадиий фильмларнинг яратилиши, замонавий мавзудаги асарларнинг мазмунини бойитишда, улар учун махсус шакллар излаб топишда аҳамияти катта бўлди. Эндиликда экран санъати ҳам, бир вақтлар кинематографияда бўлгани каби кино, театр, радио, эстрада, мусиқа санъатларининг тажрибаларидан, техникавий кашфиётларидан кенг фойдаланила бошланди.

Телесериалнинг илк пайдо бўлишида қизгин мунозараларга сабаб бўлган жихатларидан яна бири бу – телефильм билан телекўрсатувнинг ўзаро муносабатлари муаммоси эди. Гап шундаки уларнинг бири – телефильмлар воқеликларни бадиийлаштириб, гўёки тирилтириб, жонлантириб намойиш этса, иккинчиси – телекўрсатувлар воқеа ҳодиса, янгилик, ахборотни кинотасмаларга муҳрлаб, хоҳлаган пайтда томошабинга ҳавола қила олар эди. Телевидение кинематография соҳаси ижодкорлари учун улкан эркинлик яратди. Кинематографчилар ижоднинг бу янги тури – телесериалга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлдилар бу табиий ҳол албатта.

“Мен, - деб ёзади испан кинорежисёри Умберто Солас, - кинорежиссёр сифатида телевидениеда ишлашим мумкин. Бунинг учун телевидение менга таниш бўлган иш услубимни ўзгартириб қўймаслиги керак, яъний, катта кинематографда ўрганганларимдан воз кечишимга кичик, кинематография учун бошқача услубда ишлашга мажбур қилмаслиги керак. Мен профессионал кинорежисёр сифатида ўз фильмларимни яратиб юриб, кинодаги техникавий имкониятлардан, унинг тилидан фойдаланишга ўрганиб қолганман. Кинофильмлар

⁶ Понтекорова Д. Многосерийный телефильм. – М.: Искусство, 1979. – С.37.

йўналишини ҳисобга оламан, негаки кинофильмлар телефильмлардан фақат ишлаб чиқариш техникаси жиҳатидан эмас, балки, кимларга мўлжалланаётганлиги томондан ҳам ажралиб туради. Демак, мен кинематография режиссёри бўлиб қолишни истар эканман, ўз услубимни ўзгартирмаслигим керак, деб ўйлайман”⁷.

Тажрибали кинематографчилар шуни аниқ биладилар: телекўрсатувларда битта ўта жиддий нуқсон мавжудки, у ҳам бўлса экран қанчалик кичик бўлса, телетасвирларнинг сифати ҳам шунчалик паст кўринади. Уларнинг назарида, телевидение тарбиялаш хусусиятига эга бўлган, дидактика санъати сифатида жамиятда маърифатпарварлик вазифасини бажаришга мўлжалланган “Телевидение – туйғуларни тасвирламайди, балки чизиб кўрсатади”⁸.

“ТВ – янги туғилган санъат – инсонни излаб топпиш учун йўлга тушди”. “Тўғридан-тўғри кўрсатиладиган телевидениенинг техникавий шарт-шароитлари кинони суратга олишдаги бой имкониятлардан фойдаланишга йўл қўймайди. Натижада телевидениеда театрдагига ўхшаш шарт-шароитлар пайдо бўла бошладики, энди бундан қутилиш телевидение учун анча мунча қийинчиликлар туғдиради”⁹, бу испан кинорежиссёри Умберто Солас фикрлари эди.

Аслини олганда телесериалларга насрий асарлар анча яқин. Бирор бир роман ёки қиссада бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади. Бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ – ТВ асрлари ҳам вақтни тасвирлашга мослаштирилади, ҳам бўлиб ўтган воқеаларни кўрсатиб беради. Буниси жуда муҳим.

⁷ ТВ вчера, сегодня, завтра. – М.: Искусство, 1984. - С.150.

⁸ ТВ вчера, сегодня, завтра. – М.: Искусство, 1984. - С.151.

⁹ ТВ вчера, сегодня, завтра. – М.: Искусство, 1984. - С.152.

Ушбу кашфиёт келажакка томон йўлни катта қилиб очиб берди. ТВ учун экран асарларининг янги турини тасдиқлади, бу асарлар асосини драматик диалог эмас, балки наср, ҳикоя ташкил этади.

ТВ билан китоблардаги сериявий бошланмаларнинг бири-бирига ўхшашлиги ҳам шубҳа уйғотмайди. Масалан, романнинг бобларга ажратилишини олинг. XIX аср охирида пайдо бўлган европача анъаналарга кўра, романлар алоҳида бобларга ажратилган ҳолда чоп этилган. Мана шу усул билан телесериалчилик ўртасида ўхшашлик борлигини тадқиқотчилар аниқлаганлар. Бу жиҳатлардан олиб қараганда, ТВ сериаллар билан “Минг бир кеча” эртаклари ўртасида ҳам ўхшашликлар бор. Эртак ҳам энг қизиқ, авж нуқтага этганида узилиб қолади-да (Шахризода эртакларидаги фантазияларни ҳаёлан ҳазм қилиб олишда бу хил бўлинишларнинг, бобларга ажратилишларнинг аҳамияти жуда катта), бироздан сўнг яна изга тушиб, давом этиб кетаверади. Шу ўхшашликлар бошқача тушунтирилса, асрлар мобайнида муҳим ўрин эгаллаб келган сериявийлик тамойили ТВ эсетеикасига мос тушиб, XX аср руҳини ифодалашда жуда қўл келди.

Кўп қисмли кино тажрибалари шундан дарак берадики, телесериалларнинг тузилиши кўпроқ “узун роман” тушунчасига ўхшаб кетаркан, унинг жанр – мавзу жиҳатлардаги ривожда мутоз адабиёт асарлари самарали рол ўйнади яъни, телекино ривождаги бош йўналишлардан бири, унинг образлилик стилистик қуввати айнан мумтоз адабиёт намуналаридан фойдаланганлиги туфайлидир.

“Энг ўткир нигоҳли таҳлилчилар телевидение билан адабиётнинг ўзига хос “ошиқ-мошиқлар” эканлигини аллақачонлар қайд этиб, синовдан ўтказиб олганлар”¹⁰.

¹⁰ Плахов А. ТВ ва адабиёт. - М.: Искусство, 1983. - Б.91.

“Кўп қисмли фильмлар ТВ га қай томондан кириб келди? Тарихий мавзуларга эргашиб кириб келдими ёки дедиктив асрлардаги фабулаларни майда-чуйда тавсилотларига қадар томошабинга этказиш исаги ғолиб чиқдими? “Форсайтлар қиссаси”, ёки Чеховнинг экран тилига кўчирилган “Менинг ҳаётим” асарларини эслаш шу жойда ўринлидир”¹¹.

Бунда ҳаётий воқеаларни тасвирга олишда Ф.Лежи таклиф қилган гигант фильм яратиш ғоясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У 24 соат мобайнида эркаклар ва аёллар ҳаётидаги барча хатти-ҳаракатларни тавсилотлари билан тасвирга олиб, кино ишлаш ғоясини таклиф этган эди. Кино, телевидение ривож топиб борар экан, экран санъатининг моҳияти ва вазифаси ҳақидаги кўплаб манна шундай тасаввурларни рад этадилар. Ахир томошабин экрандаги тасвир орқали моддий турмушнинг жўшқин ва тирик суратини хотирасида сақлаб қалади-ку. Бунга ўхшаш мавзулар юзасидан келиб чиққан муҳокама-мунозаралар, назарий баҳсларга сабаб бўлиб қолмай, ҳали яна узок муддат давомида ўзларини турли томонлардан эслатиб турдилар.

Киношунос В.Диоминнинг эътирофича: “Менинг назаримда кўп сериявийлик тамойилининг бошқа асл телевизион усуллари билан, хусусан, дастурийлик ила ички (яқин) қариндош эканлиги ҳал қилувчи ҳолат бўлди”¹².

Бу фикр қайсидир жиҳатдан ўзини оқлайди. Турли хил телестудияларда суратга олинган турли туркум кўрсатувлардан мисоллар келтириш мумкин. Бундай мисоллар Ўзбекистон ТВ кўрсатувлари орасида ҳам кўплаб топилади. Масалан, бир пайтлар “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” номли кўрсатув томошабинлар орасида

¹¹ Аҳмедов Б. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. – Т. Фан, 2007. - Б.107.

¹² Диомин В. Многосерийный телефильм. – М.: Искусство, 1976. – С.7.

шундай кенг шуҳрат қозондики, бунинг сабабини бир- икки сўз билан тушунтириш қийин. Бора-бора бу ўзига хос дастур телетуркум сериалга айланди.

ТВ ва унинг турли- туман ижодий бўлимларининг замонавий тажрибалари телевизион асарларининг ифода кудрати учун мувофақият қозониш сабабларини алла қачоноқ аниқлаганлар.

Агар бутун дунёда юзлаб ва минглаб телефильмлар экранларни забт қилиб, бошқа анъанавий санъат турларини бир чеккага суриб чиқариб, ўзининг талабларини намоён эта оладими? Ва ниҳоят, кўп қисмли фильмлар халқларнинг характерини шакллантиришда қандай рол ўйнамоқда? Бу хил саволларнинг ҳаммасига жавоб излаб , улар ҳақида мунозаралар уйиштириб туриш лозим. Негаки, инсониятнинг бундан кейинг ҳаёти, тарихи, турмуш тарзи қай йўналишда кетишини белгилаш учун бунинг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда бундай ижод турининг пайдо бўлиши ва ривожланиш фактлари ҳозирги замон босқичида жаҳон ижодий тажрибалари билан, миллий маданиятнинг биргаликда, ўзаро фаол ҳаракатланиши натижасида ТВ санъатлар ичида энг илғор, сермахсул йўналиш ва тамойиллар қарор топа бошлаганидан, бу эса санъат тараққиётида муҳим рол ўйнай бошлаганидан дарак беради.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда телевизион телематография, мамалакат аҳолиси тафаккурининг бадиий жихатдан ўсиши ривожланишида энг долзарб санъат соҳаларидан бири бўлиб туради.

Тўқсонинчи йилларга келиб “Ўзбектелефильм” студиясида ўзига хос ижодий тамойиллар шаклланиб улгурди. Шу йилларда кўплаб бадиий кўп қисмли фильмлар, хужжатли, илмий-оммабоп ва мусиқали

фильмлар яратилди. Суратга олинган асарларда тарихий, бадий, маиший, детектив мавзулар тарғиб этилган.

“Акбарнинг саргузаштлари”, “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси”, “Оловли йўллар”, “Увайсий” каби суратга олинган кўп қисмли картиналарда ўша давр нафаси акс эттирилган.

“Режиссёр А. Қосимов суратга олган олти қисмли “Акбарнинг саргузаштлари” фильми детектив мавзуда бўлиб, у мозий воқеаларига асосланган. Сюжет асосини тикув машинасини ишлаб чиқараётган хорижлик саноатчилар билан иқтисодий алоқа ўрнатган тадбиркор йигитнинг бошидан ўтган ҳодисалар ташкил этади. Саҳналаштирувчи режиссёрнинг гапига қараганда фильмнинг бош қаҳрамони Акбар асл ҳаётда унинг қариндоши бўлиб, ўша воқеаларда тўйиқ иштирок этган. Нима бўлганидан қатъий назар томошабин учун жуда қизиқарли бўлган, уни ҳаяжонда ушлаб турадиган фильм дунёга келди. Режиссёр ва оператор ўша давр руҳини берадиган саҳналар, кийимлар, маросим ва этекетлар орқали, замон турмушини акс эттирувчи инсоний муносабатларни ёритиб бера олдилар.

“Увайсий” фильмига шу таҳаллус билан шеърлар битган шоиранинг ҳаёти асос қилиб олинган. У хонлик замонларида (1979-1845 йиллар) Қўқонда яшаб ижод этган истъедод эгаларидан. Фильмдаги ишлаб чиқилган ўткир сюжет, фитнали воқеалар, иродали характерлар тўқнашуви томошабини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Фильм муаллифлари хон саройидаги тартиб қоидаларни, турмуш тарзини, истъедот соҳибалари бўлмиш аёл қизлари даврининг долғали воқеалари боис машақатларга дучор бўлишини жуда ишонарли тарзда тасвирлай олганлар. Бундан ташқари Увайсий асарлари асосида яратилган кўшиқлар ҳам фильмга ҳаётийлик олиб келган деса бўлади. Халқимиз, Жаҳон Отин Увайсий каби аёл- қизлардан етишиб чиққан

олима-ю, шоира, оқилаю-билимдон шахслар билан ҳамиша фахрланиб келишган. Фильмнинг илиқ қарши олиниши халқимизнинг маънавиятида мана шундай асарларга эҳтиёж катталигидан ҳам бўлса ажаб эмас”¹³.

Юқорида қайд этилган кўп қисмли фильмлар биринчи ўзбек миллий сериали яратилишида муҳим рол ўйнади. 1995-1996 йилларга келиб биринчи ўзбек миллий сериали “ Кўнгил кўчалари” тасвирга олинди.

“1995 йилда телевидениега ёзувчи Аҳмад Аъзам бош муҳаррир бўлиб келди. Драматург ва режиссёрларни тўплаб “Биз нега ўзбек сериалларини ярата олмаймиз, ўзбек драматургиясида нега сериал асар йўқ”, деган фикрни ўртага ташлади. Шунда кинодраматург Рихсибой Муҳаммаджонов билан режиссёр Мели Маҳкамов, Маҳкам Муҳамедов ва Машраб Бобоев, Ҳайбат Алиев, Шароф Бошбековлар иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотда ўзбек сериалларини яратиш хусусида дастлабги қадамларни қўйиш гаплашилди. ”Энди ўзбек телевидениесида яратилган сериаллар Бразилия, Мексикадаги каби маиший мавзулар, оиланинг ички кечинмалари, ялонғоч туйғулар акс этган ғарб фильмларига ўхшаш эмас, балки шарқона, миллий ўзбекона тарзда суратга олишга киришилди. Ўзбек сериали етти ёшдан етмиш ёшгача томошабинга мос бўладиган драматургия қонунларига бўйсунган бўлиши керак. Ўзбек оиласида келин ўтиради, қайнота-қайнона ўтиради, шарқ одоби бўйича ялонғоч туйғуларни кўриш урф одатимизга тўғри келмайди.

Илк марта ишланган “Кўнгил кўчалари” сериалида бир ўзбек оиласи мисол қилиб олинади, воқеалар ҳар хил содир бўлиши, янги оиланинг турмуш тарзи, кексаларнинг ҳаёти, маҳаллада кечаётган ҳаёт,

¹³ Аҳмедов Б. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. – Т. Фан, 2007. - Б.106-107.

оиланинг бузилиши, турли муаммоли вазиятларни олиб чиқиб, томошабинга ҳавола қилиниши мақсад қилиб олинди. Шу ҳодисаларни бир оиланинг тақдирига қўйиб, Машраб Бобоев “Кўнгил кўчалари” сериал сценарийсини ёзди. Асарда бир оилада бир неча фарзанд, шўро даврида катта лавозимда ишлаган камунистнинг қисмати, у ҳам маълум пайтда адашган, ҳаётида йўл қўйган хатолар бўлган.

Ўзи Бекободда раҳбарлик лавозимида бўлиб, хотини, бола-чақаси Тошкентда қолган ҳолда бир неча йил хизматда бўлиб, бошқа бир аёлни севиб қолади, фарзанд кўради, бу фарзанд оқибатта катта қиз бўлиб, отанинг олдинги оиласида туғилган ўғлини севиб қолади, тақдир тақозоси сабаб муносабатлар чуқурлашади. Бу муносабатларда улар ака-сингил эканлигини билишмайди. Чунки ота бола-чақасига сирни ошкора қилса, мансабидан ажралиши мумкин. Мусулмончиликда аслида эркак киши узоқ муддат сафарда бўлса, кимнидир никоҳига олиши мумкин. Ундан фарзанд кўриб кейинчалик улар билан борди-келди қилса бўлади. Умуман ака-сингилнинг бундай муносабатда бўлиши ақлга сиғмайдиган ҳолатдир.

Сериалдаги мавзунинг теранлиги кутилмаган муносабатлар томошабинни қизиқтириб қўйди. Гуноҳи азимнинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлиги, оила бошига тушган кулфатлар коллизияси томошабинларни куттириб қўйди. Асарнинг композицион тузилиши, воқеалар тугуни энди маълум бўлади. Бир эгри кадам, хиёнат сабабли хонадон аъзолари ҳаётнинг катта синовларидан ўтади. Улардан омад юз ўгиради: бири жинни бўлади, бири автохалокатга учрайди, бошқаси амалдан кетади, яна бирови қамалади. Хуллас барчаси жазо тегирмонидан ўтишади. Қаҳрамонлар бутун фильм давомида ўз-ўзини жазолайди. Виждон азобида қолади. Бу миллий сериал тавба ҳақида. Воқеалар гарчанд ниҳоясига етмаган бўлсада Исмоил Бухорий

мақбарасига зиёрат уюштириб, қилган гуноҳларини ювиш илтижоси билан, фильм якун топади. Асар эллик бир серияда тўхтаб қолди”¹⁴.

Бу асар таниш ва нотаниш кўнгиллар ҳақидаги илк миллий сериалдир. Унда яхши ният ҳам, ёмон ният ҳам бир кўнгилда пайдо бўлиши ҳақида сўз боради. Аён ҳақиқат-ки инсон кўнгли синоатга бой. Унда нималар яширинганини ҳеч ким билмайди, токи унинг соҳиби, ўз қилмишлари сабабли нийятини ошкор қилиб қўймагунича. Яна шундай кўнгиллар борки, қанча озор етса ҳам, ўзгаларга яхшилик қилишдан чарчамайди. Ҳамма нарсанинг, ҳар бир амалнинг фақат яхши томонини кўра олади ва ҳаётини ҳам эзгу мақсадлар билан нурга тўлдиришга интилади. Кўнгиллар қанчалик турфа хил бўлса унинг кўчалари ҳам шу қадар фарқли ва саноксиз. Баъзан бу кўчалар кишини чалғитади, баъзида эса адоқсиз саволлар исканжасига ташлайди. Одамлар ҳам турфа хил, кимдир ҳаётдан фақат пул, мол-дунё хоҳласа, бошқаси бу дунёнинг фоний эканлигини англаган ҳолда одамларга яхшилик қилишга шошади. Савобталаб инсонлар кўнгли яримларга ёрдам қўлини чўзади. “Кўнгил кўчалари” сериали турли хил замондошларнинг турфа ниятлар яширинган қалблари, ундан ўтаётган кечинмаларга бағишланган. Ўзбекистон телевидениесида биринчи бор тасвирга олинган бу сериал ўз даврининг глобал муаммоларини, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси, маҳалла фаровонлиги, кексалар эъзози каби миллий кадриятларни экранда жонлантириб, катта шуҳрат қозондилар. Шов-шувларга сабаб бўлган бу фильм миллий сериалчилик йўналиши пойдеворига тамал тошини қўйди. Асар дастлабки изланиш эканлиги инобатга олинса, унда учрайдиган жузъий камчиликларга кўз юмиш мумкин.

¹⁴ Муҳамедов М. Телевидение асослари. – Т.: Ворис, 2009. - Б.71-72.

Телесериал мувофакқиятидан руҳланган режиссёр Маҳкам Муҳаммедов, ижтимоий – маиший мавзудан узоқлашиб, тарихий мавзуга қўл урди. Романчилик асосчиси Абдулла Қодирийнинг машҳур “Меҳробдан чаён” асарини ёзувчи ва драматург Хайридин Султонов билан ҳамкорликда ўн беш қисмли сериал яратди. Бу асар 70-80 йилларда Йўлдош Аъзамов томонидан ҳам суръатга олинган эди, лекин фильмга асарнинг барча воқеалари киритилмаган. У фильмдан фарқли ўлароқ режиссёр Маҳкам Муҳаммедов асарнинг барча воқеаларини кинога киритди ва яратилган кўп қисмли асарнинг фильмдаги бадиий яхлитлигини таъминлади.

Юқоридаги сериаллар мувоффақиятидан руҳланган бир қанча ижодкорлар шундан сўнг миллий сериал яратиш учун енг шимариб ишга киришдилар.

Аён ҳақиқатки ўзбек миллий сериалини яратишда ёзувчи ва драматургларнинг ўрни ниҳоятда катта. Улар ёзган роман ва қиссаларни телеэкран тилига мослаб сериал яратиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Балки мумтоз адабиётнинг ҳар бир яхши асари ичида турмуш воқеликлари, бир қаҳрамон ва кўп қаҳрамонларнинг ҳаёт йўллари фильм бўлишга арзирли. Шу боис, миллий сериалларни янада ривожлантириш учун, аввало, драматургик жиҳатдан пишиқ ва пухта адабий асосларни яратиш бирламчи вазифа бўлиб юзага чиқади.

Тажрибали адиб, кўплаб асарлар муаллифи Шароф Бошбеков телевидение тилига мос “Чархпалак” сценарийсини яратди. Режиссёр Шавкат Жунайдуллаев муаллиф ғоясини очишда қўллаган, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ишончли воқеаларни териб йигирма қисмли сериал яратди. Сериалда бир бирига сира ўхшамайдиган, тақдир тақозоси билан ноҳақликка учраган, шундай бўлишига қарамасдан адолат учун сабр қиладиган, курашадиган қаҳрамонлар характери тасвирланади.

Сценарийда бир-бири билан мурасага келолмайдиган, аммо, ёнма-ён яшашга мажбур бўлган икки инсон характери бор. Ёшлик давридаги хатоси , бошқа яқинлари қилган ноҳақликлари учун қамокда ўтириб чиққан Эгамқул оиласи бағрига қайтади. Энди у нима сабаб билан қамалгани, кимнинг қилган жинояти учун жазо ўтаб келганилигини билмоқчи. У қайтиб келаётиб йўлда Марям исимли лўли қиз билан танишиб қолади ва уни ҳам эргаштириб уйига келади. Шу тариқа лўли қиз Марям Эгамқулнинг ишлари юришишида катта роль ўйнайди.

Воқеалар бирин кетин жанр талабларининг дидактик хусусиятларига мувофиқ бир мунча эпик шаклга яқинлаштириб кўрсатилади. Ҳар бир қисм давомида янги бир персонаж фильм воқеаларига кириб келади шу боис Эгамқулнинг ўтмишда бўлиб ўтган ҳаётига қайси томондандир алоқадор бўлган ходисаларнинг қайта ҳикоя қилинишига сабабчи бўлади. Энди воқеалар гирдобини Эгамқулнинг оила аъзоларини ҳам қамраб ола бошлайди. Жиноят оламининг вакили саналадиган Фатхулла пайдо бўлади. Лўли қиз Марям образининг фильм воқеаларига киритилиши асарнинг янада қизиқарли бўлишини оширган, асарга ўзига хос жозоба бағишлаган. Лўли қиз характерини жонлантирган Н. Раҳимжонова ва М. Нурматоваларнинг ҳар бири экранда томошабинлар севиб қоладиган даражада ўз қаҳрамонларини яратдилар. Карим Мирходиев ижросидаги Эгамқул образи экранда кучли, иродали, кўзлаган мақсади сари интиладиган инсон. У оиласи шанини ҳимоя қилишда ҳамма нарсага тайёр .Ноҳақликларга қарши курашишда бошқалардан ёрдам сўрамайди, билан бир ўзи курашга киришади. Актёр, Эгамқул характерини гавдалантиришда табиий ва ишончли ҳаракат қилган ва ижобий қаҳрамон характерини мувофақиятли уддалаган.

Бир қанча қалбларни ларзага солган ва ёвузликка нисбатан нафрат хиссини уйғотган Фатҳулла образини Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ижро этган. Сериалнинг мувофақиятини қизиқарли картиналарда зиддиятли воқеаларнинг кетма-кетлигида ижодкорларнинг бадий яхлитлигини кўриш мумкин.

Режиссёр Шухрат Бизатов яратган кўп қисмли “Қайтмас” фильмида кишлоқдан шаҳарга келган йигитнинг саргузаштлари, турли хил аҳоли қатламлари билан дуч келиши, шу тўқнашувларда инсонларнинг тақдири, ҳаёт манзаралари ёритиб берилади.

“Ўзбектелефильм” студиясида суратга олинган фильмлар мавзу жанрига кўра турли туман бўлиб ажралиб туради. Ниҳоят маиший мавзудан бироз четлашиб, детектив услубда фильмлар яратила бошланди. Э.Нормуродов тасвирга олган “Қисмат” картинасида инсон шаъни, ор-номуси ҳақида сўз боради. Фильм даврнинг долзарб ахлоқий муаммолари ҳақида бўлиб, бегона ва зарарли мафкура таъсирига тушиб қолган, ёд одамлар қўйган тузоқларга илиниб қоладиган ёшларни огоҳлантириш мақсадида яратилган.

Бир нечта сериалларни тасвирга олиб, катта тажриба тўплаган “Ўзбектелефильм” студияси ижодкорлари ўзбек халқининг тарихий ўтмиш меросига, мумтоз адабиёти намояндалари ҳаётига бағишлаб, “Лафз” сериалини суратга олдилар. Бу фильм ҳадисшунос олим Имом ал Бухорий ижодига бағишланган бўлиб, инсон ва ахлоқ, тарбия ва тақдир, тўғрилиқ ва эгрилик сингари долзарб мавзуларни тасвирлайди.

“Лафз” – бир қарашда оддий ўзбекона сўз. Зеро, камрок ишлатилаётган лутф. Изоҳли луғатда бу сўз “калима, ваъда, аҳд” каби маъноларни англатади. Яна лафзсиз – лафзида, яъни аҳдида турмайдиган деганидир. Умуман эса бундай лутф замирида ўзига хос орийат, ғурур каби маънолар ҳам борки, унинг туби сабрга бориб

тақалади. Сабр эса имондандир. Билъакс имонсизга инсоф, диёнат ётдир.

Асар Шарқона қадриятларга уйғунлиги учун ҳам томошабинни ром эта олди. Фильм қахрамонларидан бири Қосим ўз дўстининг ишонувчанлиги, соддалигидан фойдаланиб, уни алдайди. Тўғрироғи бунга мажбур бўлади. Йирик сиёсатдонлардан бири таъкидлаган “Мақсад воситаларни оқлайди” қабалида иш кўриб, омонатга хиёнат қилади. Ахир у ҳам фарзандларини моддий таъминлаши керак. Унинг хатоси шундаки, у бошқаларнинг эвазига кун кўрмоқчи бўлди. Алалхусус дўстининг омонатига қилган хиёнати оёғига болта каби урилади. Тўплаган бойликлари Қосимга бахт келтирмайди. Бошқаларга етказган зулм-ситами, ёлғон ваъдалари, лафзида турмаганлиги учун унинг ўзигагина эмас, балки бегуноҳ зурриётларига ҳам зиён етказди. Харомники харомга, ҳалолники ҳалолга деганларидек, илмга ташна ёлғиз ўғилнинг оёқ-қўли ишламай қолади.

Одамларга етказилган зарар учун қачон бўлмасин жазо борлиги, экран орқали ортиқча насиҳатбозсизлик, таъсирли ҳикматларда тасвирлаб берган. Фильм ижодкорларининг меҳнатлари бесамар кетмади. Фильм кутилгандан ҳам кўпроқ ижобий натижа берди. Режиссёрнинг актёрлар жамосини танлашдаги маҳорати кино асарининг бадий яхлитлигини таъминлаган. Томошабин Саид Мухторов ижросидаги Қосимнинг ғамхўр ота эканлигига қанчалик ишонса, шу билан бир қаторда унинг ҳасис ва мунофиқ эканига ҳам гувоҳ бўлади. Аъзамжон Шокиржонов эса соддадил, ҳалол, ҳаммол Абудотил ролини ишонарли ижро эта олди. Бош роль ижрочилари халқ назарига тушиб, ҳурмат қозондилар. Фильм сюжетиға монанд гоҳ шиддат билан, гоҳ сокин шаршарадай ёқимли овоз чиқазиб янграётган мусиқа ҳам бастакор Мирҳалил Маҳмудовнинг ижодий салоҳиятидан гўзал манзараларга,

қадимий салобатли иншоотларга мос оҳанглар топа олганидан дарак беради.

Инсон тақдирига қизиқиш шахслар ҳаёти орқали халқ тақдири манзараларини намоён қилиш санъати Баҳодир Аҳмедовнинг Шоим Бўтаевнинг қиссаси асосида суратга олинган “Боғ” картинасида ёрқин кўринади.

Дунёдаги барча улуғ воқеалар ҳам, майда-чуйда ишлар ҳам яхшилик ва ёмонлик тушунчаларига бориб тақалади. Ахлоқий-маънавий муаммолар таҳлиliga бағишланган яна бир телесериал “Имон” фильmidир. “Кўнгил кўчалари”, “Чархпалак”, “Лафз”, “Имон”, “Боғ” каби телеасарларни тасвирга олган Маҳкам Муҳамедов, Шавкат Жунайдуллаев, Баҳодир Аҳмедовлар ўзбек миллий сериалларининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Хулоса қилиб айтганда санаб ўтилган сериалларда баҳоли қудрат миллий анъаналар, кадриятлар, ва миллий тафаккурнинг ўзига хос экран талқини акс эттирилган. Навбатда суратга олинадиган миллий сериалларда бундай анъаналарни давом эттириш зарур бўлади. Зеро, глобаллашув дея эътироф этилаётган шиддатли замонда вояга етаётган авлодни миллий илдиздан узоқлаштириш хавфи кучайиб бормоқда. Донишмандлар таъкидлаганларидек, ўтмиш авлодларнинг маънавий тажрибаларини боғлаб турган ришталар узилмаган жойлардагина маънавий онг янада мустаҳкамланади.

Миллий сериал яратилар экан, у маълум бир мақсад асосида бош ғояни ифодалаш, шу мақсад ва ғоянинг ортида томошабин учун тарбиявий аҳамиятга эга бўла оладиган, унга эстетик завқ бағишлайдиган фикр, қарашлар бўлмоғи даркор. Бу хусусида И.А.Каримовнинг сўзлари аҳамиятлидир: “Энг оммавий санъат тури бўлмиш кино соҳасини оладиган бўлсак, ўз вақтида бу борада бизда

ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Шахсан мен ҳар сафар “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Сен етим эмассан” “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмларни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қиламан. Ана шундай то маънодаги миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга катта ҳисса қўшиб келмоқда”¹⁵.

Кино санъати инсон маънавиятини юксалтиришда, унинг эстетик маданиятини оширишда, дунёқараши, ҳаётга, турмушга бўлган муносабатини тарбиялашдаги восита саналади. Айниқса, яратилаётган телефильмларда миллий қадриятларнинг, урф-одатларнинг акс эттирилиши томошабиннинг миллий онгини шакллантиради. Шу боис ҳам киносанъатининг бошқа санъат турларига қараганда кўлами кенг. Шундай экан мазкур санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни бекиёсдир.

¹⁵ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.145.

II БОБ

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК СЕРИАЛЛАРИДА МАВЗУ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Кино ҳар бир миллатнинг урф-одат, турмуш тарзи, тарихи, шу билан бирга, миллий қадриятларни бутун дунёга тарқатиб қилувчи санъатдир. Мамлакатда эркин демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини тўлақонли сингдириш ҳамда аҳолининг таълим ва маданий даражасини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқаролар онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ёшларни ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсадида 2005 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мустақил телерадио узатиш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони чиқди.

Шу йилнинг 27 декабрида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон миллий телерадио компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори қабул қилинди. Шулар асосида 2006 йилнинг 12 июнида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “Миллий сериал ижодий ишлаб чиқариш дастури” қабул қилинди. Бошқача айтганда сериал саноати юзага келишига замин ҳозирланди. Дастурга кўра бадиий фильм ишлаб чиқаришни йилига ўн соатлик ҳажмдан 2010 йилга қадар эллик соатга узайтириш мўлжалланди. Миллий дастури ишлаб чиқилгандан сўнг енг шимариб миллий сериал яратишга киришдилар.

Сўнги 9-10 йил ичида йигирмадан ортиқ телесериаллар тасвирга олинди. Булар: “Гулҳан атрофидагилар”, “Туташ тақдирлар”, “Опасингиллар” (муаллиф Назар Эшонкул, режиссёр Замира Бегимкулова), “Қайтар дунё”, “Аммажоним аммажон”, “Умидингни сўндирма”, “Одамлар орасида” (муаллифлар Мехрибон Ғуломова, Равшан Қутумов, режиссёр Шавкат Жунайдиллаев), “Биркам дунё” (муаллиф Мадина Мўминова, режиссёр Санжар Бобоев), “Она дарё” муаллиф Абдуқаюм Йўлдошев, режиссёр Санжар Бобоев), “Бедор тунлар” (муаллиф Ҳилола Алиева, режиссёр Бахтиёр Хонкелдиев), “Меҳмонжонлардан айланай” (муаллиф Эркин Хушвақтов, режиссёр Моҳигул Ҳамроева), “Қисмат битиги” (муаллиф Рустам Жабборов, режиссёр Акмал Иброхимов), “Ёдгор” (муаллиф Раиса Голдугина, режиссёр Моҳигул Ҳамроева), “Минг бир жон” (муаллиф Нодиржон Узоқ, режиссёр Д.Турдикулова), “Сўнги пушаймон” (муаллий Зулхумор Солиева, режиссёр Расул Машарипов), “Қалдирғочлар яна қайтади”, “Муҳаббатим қисмати” (муаллиф Ойбек Версал ўғли, режиссёр Улуғбек Зуфаров) каби сериаллардир. Бу телефильмларнинг барчаси маиший мавзуда бўлиб, уларда бугунги ҳаётнинг муаммолари баён этилади. Юқорида номлари зикр этилган фильмлар сериал саноатида кўзда тутилган мақсадга қай даражада жавоб беради.

Яратилган фильмлар орасида “Гулҳан атрофидагилар” алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асар бошқаларига нисбатан бирмунча сериал талабларига мос келади. Фильм яратилганидан сўнг қисқа вақт ичида ўз томошабинларига эга бўлди. Унинг экран юзини кўргунга қадар кечган машаққатли жараёни ва захмати фақат фильм ижодкорларигагина аён. Кинонинг жонли ва муваффақиятли чиқишида актёрлар ижросининг ўрни катта. Тасвирга олишда ролга мос актёр танлай билиш режиссёрнинг маҳоратига боғлиқ албатта. Актёрлар ансамбли тўғри

танланган, натижада фильмнинг бадиий яхлитлиги таъминланган бу сериал режиссёр Замира Бегимкуловани элга танитди. Телесериалнинг асосий ғояси инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, одамгарчилик, муҳтожларга ёрдам беришдек савоб ишлар қилиш ва соф муҳаббатни тараннум этишдир.

“Гулҳан атрофидагилар” шарафли ва машаққатли шифокорлар ҳаётига бағишланиб, ўткир тўқнашувлар икки врач ўртасида кечади. Картина фақат табиблар ва беморлар ҳаётидан сўзламайди. Бунинг туб негизида соф ва самимий туйғулар ўзига хос тасвирланади. Сериал томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, бу экран асарида долзарб мавзу кўтарилган. Жамият ҳаётига бир қадар чуқур кириб борилган. Иккинчидан, сериалнинг воқеалар кетма-кетлиги (фабуласи) тўғри тасвирланган. Актёрлар ижросида сунъийлик, зўракилик сезилмайди. Қаҳрамонларнинг характерининг ўзига хос хусусиятларини ифодалашган.

Мирзо Азизов, Раъно Зокирова, Алишер Ҳамроевларнинг маҳоратлари яққол сезилган. Оққўнгил, ҳақиқатпарвар, жасоратли, шу билан бирга, кўли енгил, доимо ўз манфаатини эмас, бошқалар фойдасини ўйлаб иш тутадиган Зебо Саматовна образи ҳақиқий шифокорликнинг чин намунасидир. Раъно Зокирова бу ролни табиий ва ҳаётий тасвирлаган. Мирзо Азизов ижро этган Ҳазрат Қораевич эса юқорида тилга олинган шифокорларнинг бутунлай акси. Бу энг мураккаб, характерли образлардан бири. Ўта ғаразгўй, таъмагир, кибрга жуда берилган нопок инсонлардан. Тўғри у тажрибали шифокор, лекин холис хизмат қилиш, деган сўзлар унга бегона. Бу каби қуср иллатлари етмаганидек, у ўзи раҳбарлик қиладиган бўлимда ишловчи ёш ҳамшира қизни ҳам алдаб юради. Унга билим ва амал берилгану шунга яраша

виждон ва инсофдан асар ҳам йўқ. Охир-оқибат ҳақиқий бахт амалда, обрў пулда эмаслигини бу қаҳрамон англаб етади.

Мирза Азизов бу шахс характерини яратишда бор куч ғайратини ишга солганлиги сериал давомида сезилиб туради. Бундан ташқари севги мавзусидаги воқеалар яхши тасвирланган. Бемор йигит Муроднинг Қорасочга бўлган пок севгиси, Исматнинг изтиробли кечинмалари, алданган Қорасочнинг тақдирини томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Исмаи ва Зебо ўртасидаги муҳаббат ўзбекона ҳаё ва ибоба яширинган. Андиша, ахлдоқ тамойиллари кўнгили кечинмаларини рўй-рост айтишга йўл қўймайди. Уларнинг бир-бирларига бўлган самимий муносабатларини актёрлар – Раъно Зокирова ҳамда Алишер Ҳамроев қаҳрамон характерига мос хатти-ҳаракатлар, кўз қарашлар орқали тасвирлаб берган. Бу сериал орқали ижодий тажрибаларини янада оширган режиссёр навбатдаги “Туташ тақдирлар” сериалини суратга олди.

Телефильм номи тилга олинши билан картина воқеалари бирма бир томошабин кўз олдидан ўта бошлайди. Бу ижод маҳсули кўп сонли мухлисларнинг фикрига биноан 2009 йил Миллий телерадиокомпаниянинг “Энг яхши сценарий” соврини билан тақдирланди. Тасвирга олиш жараёнида Ҳотам Файзиев шогирди Б.Қодиров, мусаввирлар К.Қозоқов, А.Иброҳимов, бастакор Д.Аъзамов каби ижодкорлар билан режиссёр ва муаллиф ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ишладилар. Сериал 53 қисмдан иборат бўлиб, олти ой давомида суратга олинган, турли хил феъл-атвордаги қаҳрамонлар характерларини Юлдуз Ҳамидова, Гулбахор Йўлдошева, Ҳошим Арслонов, Меҳриддин Раҳматов, Маҳмуд Исмоилов, Шоҳида Узоқова, Шодия Тўхтаева,

Шоҳида Исмоилова, Нилуфар Ҳамидова, Феруз Бурхонов, Жафар Мўминов, Алишер Узоқов сингари актёрлар ижро қилганлар.

Телесериалда умумий ҳисобда 200 га яқин актёр роль ижро этишган. “Оддий томошабин шу билан бирга, телевидение режиссёри сифатида кўпинча телеканалларда турли халқларнинг телефильмларини кўриб ўтиришимиз ҳақида ўйлардим. Бизнинг ҳаётимиз, тарихимиз, бизга яқин ва тушунарли воқеалар ҳақида фильмлар қачон яратилар экан, деган савол бошимда чарх урар эди. Ҳаёт ранг-баранг, янгиликларга бой. Шу билан бир қаторда унинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам мавжуд. Лекин энг асосийси биз олға бормоқдамиз. Миллий сериаллар ҳақидаги давлат дастури назаримда фақат менинг эмас, ҳаммамизнинг саволларимизга жавоб бўлди. Мазкур дастурни ҳаётга тадбиқ этишда қатнашиш насиб этганидан хурсандман”¹⁶. Сериал экран юзини кўргач, турли фикр ва мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Унинг ҳар бир қисми муҳлисларда таассурот қолдираётган эдики, сериалнинг муҳокамаси турли ерларда, бекатларда, транспортларда бўлиб ўтар эди. Фильмни кўриб бир нарсага амин бўлиш мумкин, яъни тақдир тақдир дейдилар, тақдир ҳақдир дейдилар, минг уринма тақдирингда битилгани бўлади.

Мазкур сериалда ҳали кўтарилмаган долзарб масалалар тасвирланган. Раққоса қиз тақдири шулар жумласидандир. Сериал умумий таҳлил қилинса, у умуминсоний муносабатларни ўзида мужассам этади. Уни илк бор кўрган томошабин мушоҳада юритиб, керакли хулосалар чиқаради. Мавзу миллий менталитетни намойиш этиш бўлса, унинг ғоясини соф севги, оилага садоқат, меҳр-оқибат, ота-она ва фарзанд муносабатлари, ғурур, ишонч, дўстлик каби инсоний тушунчалар ташкил этади. Телесериал жузъий камчиликлардан ҳоли

¹⁶ Ҳайитматова С. Тақдирлар туташганда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009. - 15-сон.

эмас, албатта. Иш бор жойда камчилик бўлиши аён ҳақиқат. Асар камчиликлари шулардан иборатки, айрим сахналарда бўрттириш ҳолатлари кузатилади. Масалан, расм чизиб, тирикчилик қиладиган Рустам пул топиш мақсадида нотаниш аёлнинг уйини таъмирлаб беради-ю, уй бекасининг қизини кўргач, севиб қолади ва улардан иш ҳаққи олмайди. Ҳолис хизмат бўлса, нега қизни кўрмасдан олдин текинга ишлашга келишилмади. Ҳеч бўлмаса аёл берган пулни қанчалигига аҳамият бермай, қабул қилса бўлар эди-ку. Ахир у пулга муҳтож-ку. Реал ҳаётда бундай олижаноб қаҳармонни топиш бироз мушкул.

Сериал мазмуни ва ғоясини сингдиришда миллий руҳга алоқасиз диалоглар кўплиги оммавий сахналарда яққол кўзга ташланади. Мутахассислар таъкидлаганларидек, сўз беҳудага исроф этилмаслиги, уўз ўрнида ишлатилиши лозим, шундагина ундан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Фильмнинг овозлаштириш жараёнларида ҳам безътиборлик сабаб воқеага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мантиқсиз такрор қайтарилади ва томошабин медаласига тегади. Ҳаётда бундай эмас-ку. Нега бирор ғояни бўрттириб сингдириш керак. Уни қандай бўлса шундайлигича баён қилиш мумкин. Ахир асл буюклик ва гўзаллик оддийликда-ку.

“Туташ тақдирлар” телесериалидан сўнг ижодкорлар “Опасингиллар” фильмини яратиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар. Бу сериал ҳам муҳлислар эътиборидан четда қолмади. Томошабин бир-бирига ўхшамас мураккаб тақдирли қаҳрамонларни севиб қолди. Уларнинг қувонч ва қайғуларига ҳамнафаслик, ўз яқинларидек муносабатда бўлиб, уларнинг ҳаёти билан яшай бошлашди. Талайгина ютуқлар қаторида озгина камчиликлар худди юздаги хол каби кўринади. Хориж сериаллари каби воқеалар тавсилоти ниҳоятда

чўзилиб кетган. Қаҳармонларнинг хаёл суриш сахнаси беш дақиқа давом этиб, томошабинни зериктиради. Бир хил картиналарни кўявериш, сюжетни сунъий тарзда чўзиш, бир жумбоқ ечимининг ўн-ўн беш қисм давомида ҳам хал бўлмаслиги мухлисларнинг эътиборидан четда қоладиган жиҳатлар эмас.

Сериалда айрим номутаносиб, буни кўрган томошабин хайратдан ёқасини ушлайди. Масалан, фильм қаҳрамонларидан бирининг отаси талабалик йиллари ижарада турган уйида ўғрилиқ қилганини эслаган сюжетда ўз-ўзидан савол туғилади. Бундан 25 йил аввал ҳам минг сўмлик пуллар муомалада бўлганми. Тағин камига бу қаҳрамон тадбиркорга айланиб, кейинчалик бойиб кетишини қандай изоҳлаш мумкин. Ижодкорлар бу билан ўғрилиқ ҳеч қачон жазоланмайди, демоқчидир балки. Сериални тасирга олишда йирик планлардан кўпроқ фойдаланилган. Бироқ ҳар доим ҳам бу кутилган натижа бермайди. Аксинча томошабинни зериктиради. Шу билан бир қаторда тасвирнинг бадий яхлитлигига зарар етказди.

Психологларнинг фикрича, давомий дастурни қисқа муддатли қилиб намоёиш қилиш томошабин онгига салбий таъсир этиши мумкин. Кўрувчининг руҳияти эндигина қаҳрамон ва воқеаларга мослашиб олганда серия тугаб қолади. Натижада мия фаолиятида бирданга узилиш бўлиб, инсонни асабий қилиб кўяди. Мутахассислар фикрича, телесериалларнинг бир қисмида бир муаммо можа очилиб, яқунда у ечим топиши керак. Сериалнинг олдинги қисмида қадахга қуйилган ичимликни кейинги қисмда ичишни давом эттириш шарт эмас. Сериал бу ҳар бир қисмда бир воқеани тасвирлаб бериш маҳоратидир.

Сўнгги йилларда комик жанрда ҳам изланишлар олиб борилди. “Аммажоним аммажон”, “Каминанинг оиласи” каби қатор сериаллар шу изланишлар натижасидир.

“Аммажоним аммажон” сериали ҳеч бир сериалга ўхшамаслиги билан ажарлиб туради. Сценарий муаллифи Малика Ғуломова ва режиссёр Шавкат Жунайдуллаев ҳамкорлигида суратга олинган фильмда жигарлар ўртасидаги меҳр-оқибат ўзгача қиёфада гавдалантирилади.

Қишлоқдан ўз укасини кўришга келган опа – Саида Раметова лифтга чиқишни билмай турганда тепа қаватдан қўшниси кучук еталаб тушади. Опани лифтга чиқазиб юборади. Лифтга чиқишни билмай турган опа лифтдан ҳеч қандай қийинчиликсиз чиқиб (лифтдан чиқиш саҳнаси кўрсатилмайди). Опа лифтдан чиқиб, укасининг уйига киради. Шу ўринда табиий савол туғилади. Лифтдан қандай қилиб чиқди? Нега машинада қолиб кетган совғасини олишга кетаётганда лифтга қамалиб қолди. Ахир, у лифтдан фойдаланди-ку!

Бу каби мантиқсиз картиналар бу сериалда керагидан ортиқ. Уч йилдан бери опасини кўришга бормаган ука хотинига “опам келдилар, тура қолинг, хафа бўладилар”, дея ялиниши қандай оқлаш мумкин. Ўзбекчиликда азал-азалдан сақланиб келинаётган маданиятга ҳурмат қани? Уйқудан туриб, юзини ҳам ювмасдан, опасига пешвоз чиқиши, қайси одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келади? Ижодкорлар наҳотки, Шарқда юз ювмасдан куришиш тугул, инсоннинг юзига қараш мумкинмаслигини билишмаса? Бундлай жиҳатларга безътибор бўлиш ярамайди. Комик асар аслида аччиқ ҳақиқат асосига қурилган қатор камчиликларни аччиқ кулги йўли билан тасвирлайдиган жанр. Ундан оғизга келган сўзлар орқали маза-бемаза воқеаларни тасвирлаш мумкин эмас.

Замонавий сериални янги шаклда суратга олган режиссёр адабий тил меъёрларидан қониқмаган шекилли, шевачиликка урғу берган. Ҳайрон қоларли жиҳат шундаки, қишлоқ билан шаҳарнинг шеваси икки

томчи сувдек бир хил. Қишлоқдан келган опа ҳам, узоқ йиллар шаҳарда яшаб, шаҳарликларга тақлид қилувчи уканинг ҳам бир хил – шаҳар шеvasида сўзлашиши таажжубланарли ҳолат. Ваҳоланки, шева бадий асарда қаҳрамоннинг қайси шароит, қандай ижтимоий муҳитга хослигини ифодаловчи омиллардан, хусусиятлардан ҳисобланади. Уканинг аёли хотиржам “Қайси аҳмоқ эрталабдан бировнинг уйига меҳмонга келади. Келарканлар бир оғиз телефон қилиб қўймайдиларми?”, деган норози кайфиятда тунги куйлакда меҳмонга пешвоз чиқади. Бундай ачинарли вазиятни таърифлашга ҳатто тил ожиз. Машинада қолиб кетган совғани эгасига қайтариб олиб келган ҳайдовчи совғани қидириб тушган аммажонни кўлидан судраб лифтга чиқишга ундаши ўзбек менталитетига ҳам, ҳаётийлик талабларига ҳам тўғри келмайди. Зеро, ўзбекда бирон йигит онаси тенги аёлни куч ишлатиб, унга оғриқ етказиб, унинг хоҳишларига қарши ўлароқ бирон иш қилишга журъат этмаса керак.

Бундан ташқари бадий асарда қаҳрамонларнинг томошабинларга ўрнатилган жиҳатлари акс эттирилиши керак бўлган, санъат асарлари долзарб касб этаётган бир пайтда, сериал қаҳрамонларининг ғайри ҳаётий хатти-ҳаракатларни амалга ошириши ушбу сериалнинг ишонарлилигига салбий таъсир кўрсатади. “Чархпалак”, “Қайтар дунё” каби томошабинларнинг эътиборига тушган сериалларни яратган режиссёр Шавкат Жўнайдуллаев “Аммажоним аммажон” сериалини нима мақсадда суратга олгани фақат унинг ўзигагина аён ҳақиқат.

“Бедор туйғулар” сериалида камтарлик, фидоийлик каби ҳислатлар ҳақида сўз боради. Бу асарда ибратли инсонлар ҳаёти билан бирга виждонсиз шахсларнинг турмуш тарзи ҳам баён этилади. Шу билан бирга ўзига хос камчиликлар ҳам фильм давомида кўзга ташланади. Хусусан, бош қаҳрамонлар Азиз ва Шодия биринчи бор кўчада, ёмғир

остида тўқнашиб қолишади. Йигит ёмғирда қолган нотаниш қизга соябонини бериб юборади. Бу сюжетда инсонлар бир-бирларини танимасалар-да, яхшилик қилиш кераклигини ифодалаганлар. Иккинчи марта улар Маҳалла Фуқаролар йиғини биносидан учрашиб қолишади. Шундан сўнг ораларидаги муносабат худди эски кадрдонлардек баён этилади. Ўзбекнинг ғурурли йигити ва иболи қизи ўртасида бундай чуқур муносабат бу каби тез суръатларда ривожланиши, арзимаган илиқ гаплардан сўнг бир-бирига дўстлик таклиф қилиб, охир-оқибат севишиб қолишлари томошабинлар учун бироз эриш туюлади.

Бу сериал “Аммажоним аммажон”га қараганда сюжет, мавзу, композицион қурилиш жиҳати, актёрлар ижроси томонидан ижобий дейиш мумкин. Миллий қадриятлар орасида Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, болажонлиги алоҳида ажралиб туради. Ҳам умуминсоний, ҳам миллий удумлар воқеликка сингиб кетганидан улар сериалларда ўз ифодасини топган. Қизиғи шундаки, баъзи анъаналарга танқидий қараш ҳам шаклланди. Шаҳарда яшаётган, лекин ўзи вилоятдан бўлган кишилар хонадонига сурункасига ўз юртидан танишлари, узоқ-яқинлари келиб, уларнинг кўмаги билан иш битиришлари экранга олиб чиқилди. “Меҳмонжонлардан айланай” телесериалида юқорида қайд этилган ҳолатлар тасвирланиб, ўзбекчиликка бориб, меҳмонлар билан банд бўлиш оқибатида қаҳрамонларнинг ўз шахсий ҳаётларига вақтлари қолмаётгани кўрсатиб берилди.

Тан олиш керакки, миллий сериалчиликда жаҳон амалиётчилиги билан бўйлаша оладиган тарихий фильмлар ҳали-ҳануз яратилгани йўқ. Тарихий шахслар ҳаётини экранлаштиришда Жанубий Корея сериалларидан андоза олинса, фойдадан холи бўлмасди. Бугун ўсиб келаётган ёш авлод Корейс сериалларини кўриб улғайишмоқда. Қўшни

вилоятни топиб бора олмайдиган томошабин Гогурё қаердалигини жуда яхши билади. Бунинг сабаби эса, албатта, бадий асарлар ва уларнинг таъсир кучи билан боғлиқ. “Қалбим чечаги” номли сериал ишлаб, ийманибгина телеканаллар дастуридан ўрин эгаллаган корейс киноижодкорлари ўзбек томошабинларини ларзага солди. Бундай ларзадан илҳомланган корейс халқи тўрт фаслга атаб бирма-бир сериаллар яратишди.

Шулардан сўнг анча тажриба тўплаган корейс иждодкорлари “Сарой жавоҳири”, “Денгиз ҳукмдори”, “Жумонг”, “Шерюрак”, “Шахзоданинг кўшиғи”, “Сўнги қиролича” каби сериаллар яратди. Хуллас, ўзбек томошабинларининг боши саройдан чиқмай қолди. Шу ўринда юқоридаги фикрлар ўзга миллат сериалларини қоралаш ниятида айтилмаганини айтиш жоиз. Бефарқ бўлмаган ҳар бир томошабинни бугун жиддий хавотирга солаётган ҳол аслида бошқа. Ўзга халқ тарихи билан улғаяётган келажак авлод ўз тарихини унутиб қўймайди, деб ким қафолат бера олади. Улар овқат ейишдан боқасини билмайдиган корейс қиролларию, боши жангу жадалдан чиқмайдиган Жангбо Го, Жумонгларга эмас, адолатли давлат яратишда сўнгсиз курашлар олиб борган, ватан ҳимояси учун жонидан кеча оладиган Амир Темур, Широқ, Жалолиддин Мангуберди каби буюк қаҳрамонларга ҳавас қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбек қизлари сўнги қироличага эмас, Тўмарис ҳақида сериал кўриб, мана шундай қаҳрамонларга ўхшашга интилишса, миллий қадриятларимизнинг мангу барҳаёт эканига шубҳа қилмаган бўларди.

Тарихий хорасиз келажак йўқ, деган нақл ҳозирги кунда ўз исботини топиб улгурди. Миллий анъаналарни қайта тиклаш мамлакатнинг долзарб муаммосига айланган бир пайтда ўтмиш ҳаётни акс эттирадиган миллий характердаги тарихий қаҳрамонларни яратиш

жуда зарур омиллардан ҳисобланади. Бугун замонавий ўзбек сериалларида даврнинг турли хил мавзулари ёритилмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ватанпарварлик руҳида ишланган “Сардор”, “Остона”, “Фидойилар” каби телесериаллар тобора ўз томошабинига эга бўлиб бормоқда. Уларда ватанни асраб-авайлаш, тупроғини кўз қорачиғидек сақлаш, шу азиз мамлакат хизматида туришдек олий туйғулар баралла куйланади. Ушбу сериалларнинг охириги пайтларда тобора кўпайиб бораётгани айна замоннинг долзарб масалаларидан бўлиб бормоқда. Зеро, бугунги таҳликали бир даврда келажак авлод вакиллари бўлмиш ёшларнинг қалби ва онгини асраш, уларни ёт ғоялардан авайлаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Глобализация даврининг энг хатарли таҳликаларидан бири бу космополитизм ғояларининг илгари сурилаётгани, беватанлик ғояларининг тарғиб қилинаётгани билан боғлиқ. Фақатгина миллий сериаллар, миллий асарлар туфайлигина халқимизни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг келажакига даҳлдорлик билан яшашга ундайди.

Шу ўринда айтиш керакки, миллий сериалларда мавзу хилма-хиллигининг ўзига хос хусусиятлари асосан томошабинлар аудиториясининг истакларидан келиб чиқади. Гарчи санъат асари ўзининг умуминсоний ғоялари, бадиий юксак образлари билан томошабинларни ўз ортидан эргаштириши керак бўлса-да, бугунги кун сериаллари ва уларнинг ижодкорлари негандир томошабинларнинг диди ортидан қувиб, уларнинг истакларини амалга ошириш йўлидан боришмоқда. Хусусан, охириги пайтларда маиший сериалларнинг кўпайиши ва уларда асосан бир хил – қайнона келин, опа-сингил, ака-ука муносабатлари кўпайиб, шундан нарига ўтмай қолаёпти. Ваҳоланки, бадиий асарда маишийлик контекстида ижотимой фикр айтиш

мумкин-ку! Мисол тариқасида, яна ўша Шекспирнинг “Қирол Лир”ига тўхталсак. Ушбу асарда ҳам ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ёритилади. Бир қарашда бу ҳам маишийдек. Бироқ инсонга юзаки, риё билан муносабатда бўлиш бу маиший эмас, балки бутун инсониятни қийнайдиган муаммолардан ҳисобланади. Худди шундай ҳар қанча маиший бўлмасин умуминсоний муаммоларни қамраган ҳолда бадийлаштириш бу бугунги кун ўзбек телесериаллари учун жуда зарур ҳодиса!

III БОБ

ЎЗБЕК СЕРИАЛЛАРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

“Санъат асари борлиқни кучайтирилган, бўрттирилган тарзда образлар воситасида ифода этар экан, демак, характерларни ҳам ҳаётдаги каби ранг-баранг ҳамда ёрқин тасвирлаш лозим”¹⁷. Айни характер яратиш масаласи миллий сериалларда долзарб аҳамият касб этмоқда. Айтиш керакки, сериаллардаги ўзига хосликни ҳамда миллийлик унсурларларини таъминлайдиган жихатлар ҳам асосан сериаллардаги қаҳрамонларнинг характери масаласи ҳисобланади. Гарчи бадиий асарларда воқеа бирламчи аҳамиятга эга дейилса-да, мавжуд воқеаларнинг қизиқарлилигини таъминлайдиган, уларнинг драматизмини оширадиган хусусият табиийки ранг-баранг характер ҳисобланади.

Маълумки, характер ўзига хос хусусият, инсондаги мавжуд хусусиятларнинг кучайтирилган, шакллантирилган ҳолати бўлиб, албатта, бадиий асарларда, хусусан, сериалларда ҳам характерни бир кўришда аниқлаб бўлмайди. Характерни сериалларда аниқлаш, қаҳрамонларнинг ички оламини тадқиқ қилиш бир қанча жараёнларни, хусусиятларни тақозо этади. Жумладан, уларни қуйидаги белигиларда кузатиш мумкин:

- Сериаллардаги қаҳрамонларнинг нутқи орқали. Яъни қаҳрамон бирон ҳодиса ёки инсон ҳақида қандай фикр билдираётганидан келиб чиқиб, унинг муносабатидан характерини билиш мумкин;

¹⁷ Якубов Б.Ч., Кино ва эстетик дид. “Ўзбеккино” Миллий агентлигидаги маърузасидан. – Т. 2014

- Бошқа қахрамоннинг тадқиқ этилаётган қахрамонга нисбатан айтган фикрлари орқали. Яъни атрофдагиларнинг маълум қахрамон ҳақида билдирган фикрлари орқали омма ичида қандай характерда танилганини англаш мумкин;
- Тадқиқ этилаётган қахрамоннинг бошқа қахрамонларга нисбатан билдирган фикрлари орқали. Яъни қахрамоннинг бошқа қахрамон ортидан билдирадиган фикрлари унинг нечоғлик ижобий ёки салбий характер эгаси эканини билдиради;
- Ҳаётдаги бирор мураккаб вазиятда қахрамоннинг танлови орқали унинг характери яққол акс этади. Яъни ҳақиқий бадиий асарда, албатта, шундай композицион нуқта бўлиши керакки, у ерда қахрамон танлов қаршисида қолсин. Бу танлов асосан қахрамоннинг шахсий манфаати ва ўзга бир, бегонанинг манфаати билан тўқнаш келган, иккисидан бирини танлаши керак бўлган ҳолатларда кўринади. Гарчи бу асосан бадиий фильмларда яққол кўзга ташланса-да, бундай нуқта сериалларда ҳам, албатта, бўлиши керак. Зеро, худди мана шу нуқта юқоридаги бошқа ҳолатлардан ҳам кўпроқ характерни очикроқ ва ҳақиқийроқ қилиб акс эттиради. Негаки, бошқаларнинг қахрамон ҳақидаги фикри улар ўртасидаги муносабатига боғлиқ бўлиши, қахрамоннинг ўзи ҳам ижобий ғояларни оғизда исталганча гапиравериши мумкин. Бироқ фақатгина инсон ўз манфаатини ҳимоя қилиши керак бўлган пайтда унинг ўзгани деб ўз манфаатидан кеча олиши қахрамоннинг чин инсон эканини кўрсатади!

“Кино санъатининг инсон умри ва тафаккури жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада

зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда. Улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринлиарга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир. Лекин шуни ҳам ҳолисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи киноларимизда ҳалигача яратилгани йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини ҳис эта олмаслиги оддий одамлар ҳаётдан узоқлашиб қолгани сезилиб туради”¹⁸.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, замон қаҳрамонларини ташкилотлардаги раҳбарлар орасидан эмас, балки оддий турмуш кечираётган содда инсонлар ичидан қидириш керак. Мамлакатда бундай шахслар кўплаб топилади. Бугун қайси соҳада бўлмасин, халқ фаровонлиги, ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилаётган шахсларнинг барчаси замон қаҳрамонининг типик вакили ҳисобланади. Фақат уларни миллий сериалларда таъсирчан сюжетлар уйғунлигида ифодалаб, томошабинга ўртак қилиш зарур.

Сўнги йилларда яратилган маиший мавзудаги сериалларда оз бўлса-да, замон қаҳрамони характери гавдалантирилди. Замира Бегимқулова суратга олган “Туташ тақдирлар” сериалидаги маҳалла оқсоқоли бунга мисол бўла олади. Сериалдаги оқсоқол характери юқорида таъкидланган характернинг тўрт босқич вазифаларига ҳамоҳанг. Маҳалладошлари у ҳақида ижобий фикрда. Чунки у маҳалланинг катта-ю кичигига ғамхўр. Маҳалладошлари корига ярашга интилади. У қилаётган ишларида ўзидан қониқмайди. Маҳалладаги

¹⁸ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.146.

бирор бир хонадонда гап қочса, бунга ўзини айбдор деб билади. Ҳамиша маҳалла манфаатини ўз манфаатидан устун кўради.

Оқсоқол образи бугунги кунда ўзини-ўзи бошқариш ташкилоти дея юритилаётган маҳалла оқсоқолларининг аслида қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Ёки Юлдуз Ҳамидова ижро этган фарзандларига ғамхўр она характери ҳам бугунги оналарга ибрат бўлади. У ёлғиз боши билан уч фарзандни тарбиялаб, камолга етказди. Мана шу жараёнларда унинг қандай шахс эканлиги, яъни қандай характерга эгаллиги аён бўлади. Масалан, узатилган кизи аразлаб келганида унинг тўғри маслаҳат бериб, “турмуш мушт” эканлигини уқтириб, келинлик уйига яхши кайфиятда жўнатиб юбориши орқали унинг оилапарвар, узоқни кўра оладиган инсон экани ойдинлашади.

Замон қаҳрамони характерида идеал қиёфа бўлиши эмас, балки унда ҳам ўзига хос жузъий камчиликлар тасвирланиши зарур. Зеро, “... шахс агар ўзининг гаплари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади”¹⁹.

Бундай ҳолатлар Оқсоқол ва она характерида яққол намоён бўлади. Кези келганда Оқсоқол маҳалладошларига қаттиқ кўлик билан уларни қаттиқ танқид қилади, сўнг қилган ишидан афсус чекади. Ёлғиз она фарзандларини гоҳ-гоҳида урушиб туриши ҳам бугунги кун қаҳрамонининг табиий сиймоларидандир. Агар замон қаҳрамони ҳеч қандай камчиликлар билан тасвирланмаса, бундай қаҳрамон ҳаққонийлик тамойилларини йўқотади.

Характерлар ижобий ва салбий турларга бўлинар экан, ижобий қаҳрамоннинг характерини аниқлашда салбий қаҳрамон сажияси муҳим аҳамият касб этади. Агар ҳаётда ёвуз ниятлар бўлмаганда эди унга қарши эзгулик пойдевори ҳам қурилмас эди.

¹⁹ Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. - Б.31.

Детектив сериалларда қаҳрамон характери кўп ҳолларда бир хил линияларда кесишиши томошабиннинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда тасвирга олинган детектив йўналишидаги сериалларни кузатишда бош қаҳрамоннинг ноҳақликларга учраши, оғир шароитдан чиқиб, бирданига бойиб кетиш ҳолларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Хусусан, “Шайтанат”, “Занжир” сериалларида мана шунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Жаҳонда бу борада салбий қаҳрамонни идеал даражасига кўтариш одат тусига кириб қолган. “Чўқинтирган ота” сериали бунга мисол бўла олади. “Шайтанат” сериалини яратган режиссёр вamuаллиф миллий характери инобатга олган ҳолда салбий қаҳрамонни идеал даражасидан узоқлаштиради. Сериалдаги Асадбек қаҳрамонининг характери ҳаққоний тасвирланган. Ёдгор Саъдиев қаҳрамон характеридаги нозик нуқталарни илғаган ва фильм муваффақиятини таъминлаган. Тарихий сериалларда характер яратиш масаласи ҳали-хануз долзарб масалалардан бўлиб келмоқда.

Ҳозирги пайтгача ишланган 20 дан ортиқ миллий сериалларда маиший мавзулар: қайнона-келин, эр ва хотин, опа ва сингил ўртасидаги муносабатлар тасвирланган. Ачинарли томони шундаки, қаҳрамонларнинг характерлари тўлалигича очиб берилмаган. Мустақиллик йилларининг бошида “Чархпалак” телесериалини суратга олган режиссёр Шавкат Жунайдуллаев орадан ўн йил ўтиб, “Қайтар дунё” сериалини ишлади. Баҳонаи сабаб таъкидлаш керакки, “Чархпалак” сериалида қаҳрамонлар характери ҳаётий ва ҳаққоний воқеаларда намоён бўлган эди. Бу кино асарида эса деярли у қадар қаҳрамон характери сезилмайди. Балки сериаллар сценарий жиҳатдан фарқланар. “Қайтар дунё” сериалида ноодатий сўзлар, ғализ фикрлар талайгина. Сценарий муаллифи қаҳрамон характерини сўзда

ифодаламоқчи бўлган шекилли унчалик кутилган натижа бермаган. Телесериалдаги қаҳрамонларнинг характериға умумий баҳо берилса, уларда ички туйғуларни таъсирли ифодалаш сезилмаслигини таъкидлаш жоиз бўлади. Бош қаҳрамон Абдулла яхши оиланинг фарзанди, ишбилармон, ақлли йигит. Наҳотки шундай ижобий характерға эға йигитнинг эстетик диди паст бўлса. Унаштирилган қизи очиқ-сочиқ кийиниб юрса-да, унга бир оғиз сўз айтмаса. Бу қаҳрамон характери нотўғри танлангандек гўё. Ёинки у чет давлатға кетиб, бошқа инсон қиёфасида соқол қўйиб келар эмишда уни ҳеч ким танимас экан. Фақатгина Ойжамолгина унинг Абдуллар эканлигини сезар эмиш.

Бадийий фильмларда тез-тез учраётган кўрқоқ эр, шаллақи хотин қиёфалари сериалда ҳам кўрсатилади. Миллий қаҳрамоннинг характери унинг кийган кийимида эмас, бўлаётган ҳодисаларға бераётган муносабатида кўринади. Режиссёр Ойпопу образини идеаллаштиришға интилган. Рўмолча тикиб ўтирганда ойисининг саволидан ҳаяжонланган иболи-андишали қиз хотиржам, бегона уйға келиб, гулларнинг тагини юмшатиб, ҳовлиларни супуриб-сидириб кетар эмиш. Ўзбек халқида бўйига етган қизнинг нотаниш уйға ёлғиз бориши уят саналади. Бу сериал мавзу, ғоя жиҳатидан эътирофға арзиса-да, характер яратиш талабларига жавоб бермайди.

Техника тараққий этган бир даврда томошабинни бундай олди-қочди воқеалар билан жалб қилиш бир қанча мураккабликлар туғдиради. “Опа-сингиллар” сериали ўзбек томошабинларини қисман бўлса-да корейс фильмларидан совутди ва ўзбек сериалчилигида бурилиш ясади. Сабаби эса актёрлар ансамбли тўғри шаклланганлиги, воқеалар кетма-кет ривожланиб боирши, аввал илгари сурилган мавзу ва ғоянинг долзарблиги ва албатта фильмнинг бадийий яхлитлиги кабиларда маълум бўлади. Сериалда бир қанча салбий-ижобий қаҳрамонлар

характери тўғри баён этилган. Саида Раметова талқинидаги оғир-вазмин, сабр-бардошли аёлни ҳар бир онаси мисолида кўриш мумкин. Анзират ролини ижро этган Гулчеҳра Носирова ҳам ғийбатчи ва тухматчи қаҳрамон характери табиий тасвирлаб, томошабинда ундай аёлларга нафрат туйғусини уйғота олган. Сериал қаҳрамонларини ижобий ва салбий характерларга ажратишда бироз мушоҳада юритиш лозим.

Қайнона ролини ижобий ҳам, салбий ҳам деб бўлмайди. Унинг мақсади барча оналар сингари ҳайрли: фарзандлари камолини кўришни истайди. Лекин унинг характерида шундай камчиликлар борки, бечора келинни кўзини очирмайди. Салбий қайнона характери жонлантирган Дилором Каримова маҳоратини тан олиш даркор. Унинг юз ифодаси, диалоглардаги таъсирли гаплар салбий қайнона характери тўғри тасвирлайди. Мазкур ҳолат ана шундай характерли Фильм сўнгида қайнона ўз қилмишларидан пушаймон бўлади. Бу ҳол келин ўғил фарзанд кўргач, амалга ошади. Аслида келиннинг кўзи ёримасидан бурун қайнонанинг характери ижобий томонга ўзгарганида эди характернинг таъсирчанлиги янада ортаган бўларди. Сериалда гиёҳвандлик балосига учраган Сардор – Азизбек Қобиловнинг ота-онага беписанд муносабатлари ҳаётини чиққан. Гиёҳванд қаҳрамон характери талқин этишда характер қоидаларидан бироз четлашганлиги боис ролнинг нотабиий чиқишига сабаб бўлган.

“Опа-сингиллар” сериалида ўзбек аёлларинг характерлари яхши тасвирланган. Уч опа-сингилнинг ибодат-ҳаёси, оналарнинг донолиги ўзбек аёллари характери намунаси саналса, сериалдаги қайси эркак қаҳрамонни типик вакил дейиш мумкин. Ички туйғуларини рўй-рост айтолмайдиган Иқромними ёки қизининг эридан ажралмаслигига кўндира олмай, овора бўлган Рустамними. Умуман сериаллардаги аксар эркак қаҳрамонлар характерида юмшоқ табиатлилиқ, вазминликни

кўриш мумкин. Ўзбек эркаклари азалдан мард, жасур, қатъиятли, бир сўзли бўлиб келганлар. Уларни ҳадеб лапашанг, юмшоқ табиат характерида тасвирлаш ижобий натижа бермайди.

Санъат инсонга фақатгина эстетик завқ берибгина қолмасдан, балки унга маънавий озуқа берадиган яхши ёки ёмон хулқли шахс этиб тарбиялайдиган восита ҳамдир. Бугун қайнона ва келин, ота-она ва фарзанд севги-муҳаббатларини фақат салбий бўёқларда тасвирлаб қолмасдан, балки ижобий жиҳатларда ҳам тарбиялаш керакдир. Бу муносабатларда сериал яратмоқчи бўлаётган ижодкорлар Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан ибрат олиб, иш қилсалар мақсадга мувофиқдир. Зеро, мозийга қайтиб иш кўрмоқ ҳайрлидир.

Характер ҳақида сўз юритганда навбатдаги, “Муҳаббатим қисматим” телесериали хусусида ҳам тўхталиш ўринли. Режиссёр Улуғбек Зуфаров ҳеч бир режиссёр яратмаган сериални яратишни ният қилган чоғи характерлар характери нариёқда турсин, воқеалар ривожда хатто ташқи қиёфаси ҳам ўзгармайди. Талабик даврида ота-онасининг қистови билан Маликага уйланган Ойбек ўқишни тамомлагач, бошқа қизни севиб қолади. Қишлоқдаги оиласини ташлаб, Тошкентда ўзи орзу қилган қиз билан ҳаёт бошлайди. Қишлоқда ундан қолган ўғил улғайиб, шаҳарга ўқиш мақсадида келади. Ўзи билмаган ҳолда шаҳардаги ўғай синглисини севиб қолади. Бу картинада бир пайтлар суратга олинган кўнгил кўчаларига яқин жиҳатларни кўриш мумкин. Не-не машаққатлар билан ёлғизликда ўғлини вояга етказган Малика, яъни Дилннза Кубаева ёшлиқда қандай бўлса, эллик ёшида ҳам худди шундай. Бундай ёшдаги характерни яратадиган ҳолатларни унинг ташқи қиёфасида учратиш мушкул.

Буюк файласуф Аристотель характер унсурлари ҳақида шундай дейди: “Характердан тўрт мақсад кўзда тутилади. Биринчи ва асосий

мақсад: қаҳрамон олийжаноб бўлиши керак. Аввал айтганимиздай, шахс агар ўзининг сўзлари ва ишларида қандайдир мақсадга амал қилса, характерга эга бўлади. Иккинчидан, характер ўзига хос бўлиши керак. Характер мардона бўлиши мумкин, аммо аёл кишига мардлик билан кучлилик ярашмайди. Учинчидан, характер ҳаётий, ҳаққоний бўлиши керак. Бу юқорида айтилганлардан мутлоқ бошқача бўлиб, уларни яхши ёки ярашиқлик қилиб тасвирлаш деган гап эмас. Тўртинчидан, характер изчил бўлиши керак. Хатто тасвирланган шахс ноизчил бўлиши шу характернинг барча ишларига ноизчиллик хос бўлиши мумкин. Аммо характернинг мана шу ноизчиллиги ҳам изчил бўлиши мумкин”²⁰.

Бундан кўринадикки, асарда характер яратаётган қаҳрамон мантиқийлик принципларига амал қилиши зарур. Бу Дилноза Кубаева ижро қилган қаҳрамон ролини асли шу ёшга мос тушадиган бошқа, ёши каттароқ актёр ижро қилиши керак эди. Масалан, унинг умр йўлдоши йигитлик чоғини бошқа актёр, кексалик даврини бошқа актёр ижро этгани томошабин эътиборида ишонарли қаҳрамон гавдаланишига сабаб бўлган.

Бундай сериалларнинг яна бир қанчаси ҳақида тўхталиш мумкин. Лекин сериал яратилса бас, уни кўрадиган томошабинлар ҳаминиша топилади, негаки уйда ҳамма вақт уйда одам бўлади-да, қабилида иш кўриш миллий сериалларнинг келажagini тадқиқ этолмайди. “Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади”²¹. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият куриш мақсадида истиқлол йилларида

²⁰ Аристотель. Поэтика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. - Б.40.

²¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.102.

муҳим ўзгаришлар рўй бераётгани миллий анъаналар руҳида тарбия топадиган комил инсонни юзага келтиришда устувор масала ҳисобланади. И.Каримов раҳбарлигида умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги таянадиганянги ҳаёт, янги жамият қуриш давом этаётган бир пайтда миллий сериал яратаётган ижодкорлардан ниҳоятда катта масъулият ва жонбозлик талаб этилади.

И.Каримов куюнчаклик билан: “Айни пайтда бугунги ҳаётимизни замонамиз қаҳрамонлари характерини чуқур таҳлил этиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар афсуски кам эканлигини тан олишимиз лозим”²², дея таъкидлаган ўғитлари аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат.

²² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б.14.

ХУЛОСА

Кино санъати инсон маънавиятини юксалтиришда, унинг эстетик маданиятини оширишда, дунёқарашни, ҳаётга, турмушга бўлган муносабатини тарбиялашдаги восита саналади. Айниқса, яратилаётган телефильмларда миллий қадриятларнинг, урф-одатларнинг акс эттирилиши томошабиннинг миллий онгини шакллантиради. Шу боис ҳам кино санъатининг бошқа санъат турларига қараганда кўлами кенг. Шундай экан мазкур санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Хусусан, бугунги кунда суратга олинаётган миллий сериаллар замирида ҳам ана шундай юксак бадиий жиҳатларни кузатиш мумкин.

Миллий сериал яратилар экан, у маълум бир мақсад асосида бош ғояни ифодалашни, шу мақсад ва ғоянинг ортида томошабин учун тарбиявий аҳамиятга эга бўла оладиган, унга эстетик завқ бағишлайдиган фикр, қарашлар бўлмоғи даркор.

Аён ҳақиқатки ўзбек миллий сериалини яратишда ёзувчи ва драматургларнинг ўрни ниҳоятда катта. Улар ёзган роман ва қиссаларни телеэкран тилига мослаб сериал яратиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Балки мумтоз адабиётнинг ҳар бир яхши асари ичида турмуш воқеликлари, бир қаҳрамон ва кўп қаҳрамонларнинг ҳаёт йўллари фильм бўлишга арзирли. Шу боис, миллий сериалларни янада ривожлантириш учун, аввало, драматургик жиҳатдан пишиқ ва пухта адабий асосларни яратиш бирламчи вазифа бўлиб юзага чиқади.

Шунингдек, сериалларда баҳоли қудрат миллий анъаналар, қадриятлар, ва миллий тафаккурнинг ўзига хос экран талқинини акс эттириш зарур. Зеро, глобаллашув дея эътироф этилаётган шиддатли замонда вояга етаётган авлодни миллий илдиздан узоқлаштириш хавфи кучайиб бормоқда. Донишмандлар таъкидлаганларидек, ўтмиш

авлодларнинг маънавий тажрибаларини боғлаб турган ришталар узилмаган жойлардагина маънавий онг янада мустаҳкамланади.

Сўнги сўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, миллий сериаллар яратишда томошабин аудиториясини инобатга олган ҳолда асарнинг бадиий яхлитлиги ҳақида бош қотириш даркор. Яратилаётган ҳар қандай санъат замон талабларига бўйсунуши, мамлакатда яшаётган ҳар бир шахсни бунёдкорлик ишларига чорлаши зарур. Шу боис бу жабҳада хормасдан-толмасдан тинимсиз изланишлар олиб бориш керак. Зеро, инсоннинг ҳаётда яшашдан мақсади ҳам яхши инсон бўлиш албатта. Буни бадиий талқинда кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири эса, шубҳасиз, халқ турмушига яқин, унинг чинакам дард-ўйлари, муаммо ва камчиликларини холис кўрсатиб берувчи миллий сериаллардир. Шунинг учун ҳам сериаллар яратиш жараёнини изчил ва профессионал даражада йўлга қўйиш бирламчи вазифалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кино санъатини ривожлантиришга доир қарор ва фармонлари:

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида”ги Фармони. 1996 йил 29 апрель / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1996. - 4-сон, 8-10-бетлар;
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги Қарори. 1996 йил 12 июль / Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами. - 1996. - 7-сон, 2-6-бетлар;
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасида бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2004 йил 16 март;
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. 2004 йил 17 март.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

- 2.1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

- 2.2. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 2.3. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат – Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 2.6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 2.7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 2.8. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 2.9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 2.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 2.11. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 2.12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 2.13. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
- 2.14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 2.15. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик, тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

- 2.16. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз кучкудратимизга ва ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
- 2.17. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 2.18. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
- 2.19. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
- 2.20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 2.21. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 2.22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 2.23. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 2.24. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи (12 ноябр, 2010й).
- 2.25. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий

омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси (6 декабр, 2013й).

III. Соҳага доир назарий ва амалий китоблар:

- 3.1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000;
- 3.2. Абулқосимова Х. Кинотеледраматургия асослари. – Т.: ЎзДСМИ, 2009;
- 3.3. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009;
- 3.4. Абулқосимова Х., Тешабоев Ж., Мирзамухамедова М. Кино Узбекистана. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1985;
- 3.5. Агафонова Н. Общая теория кино и основы анализа фильма. – МИНСК: Тесей, 2008;
- 3.6. Акбаров Ҳ. Адабиёт ва кино. – Т: Фан, 1981;
- 3.7. Акбаров Ҳ. Сеҳрли ёғду. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977;
- 3.8. Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993;
- 3.9. Арабов Ю. Кинематограф и теория восприятия. – М.: ВГИК, 2003;
- 3.10. Аристотель. Поэтика. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1980;
- 3.11. Бейли К. Кино: фильмы, ставшие событиями. – М.: Ак. Проект, 1994;
- 3.12. Вайсфельд И. Мастерство киносценариста. – М.: СП, 1961;

- 3.13. Вайсфельд И. О сущности кинодраматургии. – М.: Искусство, 1981;
- 3.14. Гёте. Ҳикматлар хазинаси. – Т.: Шарқ, 2008;
- 3.15. Делёз Ж. Кино. – М.: Ад Маргинем, 2004;
- 3.16. Кинословарь в двух томах. – М.: СЭ, 1966;
- 3.17. Клер Р. Сценарии и комментарии. – М.: Искусство, 1969;
- 3.18. Кожин В. Санъат турлари. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962;
- 3.19. Кончаловский А. Низкие истины. – М.: Коллекция «Совершенно секретно», 1998;
- 3.20. Крючечников Н. Композиция фильма. – М.: Искусство, 1960;
- 3.21. Крючечников Н. Сюжет и композиция сценария. – М.: Наука, 1976;
- 3.22. Кулешов Л. Уроки кинорежиссуры. – М.: ВГИК, 1999;
- 3.23. Лоусон Д. Теория и практика создания пьесы и сценария. – М.: Искусство, 1960;
- 3.24. Макки Р. История на миллион долларов. – М.: Наука, 2008;
- 3.25. Матчонов С., Сариев Ш. Адабиёт. – Т.: Юрист-Медиа маркази, 2010;
- 3.26. Митта А. Кинода режиссура ва драматургия. – Т.: Фан ва технология, 2014;
- 3.27. Муҳамедалиев Ҳ. Сценарийнавислик маҳорати. – Т.: Муסיқа, 2009;
- 3.28. Муҳамедов М. Режиссура асослари. – Т.: ЎзДСМИ, 2008;
- 3.29. Нечай О.Ф. Основы киноискусства. – М.: Просвещение, 1989;
- 3.30. Нехорошев Л.Н. Драматургия фильма. – М.: Искусство, 1971;
- 3.31. Пензин С. Анализ фильма. – Воронеж: ВГУ, 2005;
- 3.32. Ризаев Ш. Изтироб санъати. – Т.: Янги аср авлоди, 2013;

- 3.33. Сазонова Е. Теория драмы и основы сценарного мастерства. – Барнаул: Алт. гос. Акад. культуры и искусств, 2012;
- 3.34. Сегер Л. Как хороший сценарий сделать великим. – М.: Наука, 2005;
- 3.35. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980;
- 3.36. Тарковский А. Уроки режиссуры. – М.: Искусство, 1993;
- 3.37. Тешабоев Ж. Узбекское кино: традиции и новаторство. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1979;
- 3.38. Туркин В. Драматургия кино. – М.: ВГИК, 2007;
- 3.39. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашр., 2004. - Т.8;
- 3.40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1981. - Т.II;
- 3.41. Фрумкин Г.М. Сценарное мастерство: кино-телевидение-реклама. — М.: Академический Проект, 2008;
- 3.42. Чернышевский Н. Собр. соч. - Т.1. – М.: Искусства, 1978;
- 3.43. Чирков А. Очерки драматургии фильма. – М.: Госкиноиздат, 1939;
- 3.44. Юнаковский В. Сценарное мастерство. – М.: Искусство, 1960;
- 3.45. Юнаковский В. Композиция киносценария. – М.: Искусство, 1960.

IV. Газета, журнал, илмий-оммабон тўпламларда эълон қилинган мақолалар:

- 4.1. Абдураззоқова И. Ўзбек киноси дунё нигоҳида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2010, 24-сон;

- 4.2. Акбаров Х. Кинонинг оловли йўллари // Тафаккур, 2001, 2-сон;
- 4.3. Базен А. Что такое кино? // Сборник статей. – М.: Искусство, 1972;
- 4.4. Болтабоев Х. Фитрат ва санъат назарияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1998, 12-сон;
- 4.5. Молчанов А. Главная тайна кино // Статья. www.filmpro.ru, 2014;
- 4.6. Умарова Г. Режиссёр актёрни севиши керак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2010, 3-сон;
- 4.7. Сатторий Х. Мартаба – миллийликда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2010, 17-сон;
- 4.8. Тошпўлатов М. Умрбоқий кинофильм яратиш орзуси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 23-сон;
- 4.9. Эшонбобоева Ш. Якин ўтмиш сабоқлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2010, 27-сон;
- 4.10. Қўчқоров Р. Кўз билан кўнгил орасида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2010, 5-сон;
- 4.11. Қўшшаева И. Кино миллат рамзига айланса // Тафаккур, 2012, 2-сон.

V. Интернет манбалар:

- 6.1. www.cinemotion.ru
- 6.2. www.drugoekino.ru
- 6.3. www.filmpro.ru
- 6.4. www.imdb.com
- 6.5. www.kinoart.ru

- 6.6. www.kinopoisk.ru
- 6.7. www.kinopressa.ru
- 6.8. www.kinote.info